

НИКОҲ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

*Хуқуқни муҳофаза қилиш
академияси магистранти:*

Умарова Шахноза Сапаевна.

Илмий раҳбар: Ш.Шайзаков.

*akramovsaidkamol305@gmail.com ,
+998971570012*

Аннотация: Мазкур илмий мақолада никоҳ тушунчаси, унинг ижтимоий ва ҳуқуқий моҳияти, тарихий шаклланиши ҳамда замонавий даврдаги амалий қўлланилиши таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида никоҳни рўйхатдан ўтказиш тартиби, никоҳланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тиббий кўрик тизими, никоҳ жараёнидаги замонавий рақамлаштириш ва электрон тизимларнинг татбиқи ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ёритилади.

Калит сўзлар: никоҳ, оила, ҳуқуқий муносабат, ФХДЁ, тиббий кўрик, никоҳ шартномаси, тарихий тараққиёт, оила ҳуқуқи, электрон никоҳ

Никоҳ инсоният жамияти ривожланишининг энг асосий институтларидан бири ҳисобланади. У нафақат шахсий, балки ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Никоҳ орқали оила ташкил этилади ва у жамиятнинг барқарорлиги, узлуксиз ривожланиши ва ижтимоий интеграциясини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида никоҳ халқнинг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ҳамда уларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланиши таъкидланган. Бу ҳуқуқий норма никоҳнинг демократик, инсонпарвар ва адолатли тамойиллар асосида шаклланишини таъминлайди. Никоҳ тушунчасини тўлиқ тушуниш учун унинг ижтимоий, ҳуқуқий ва тарихий жиҳатларини комплекс тарзда кўриб чиқиш муҳимдир. Шунингдек, никоҳ институтининг замонавий жамиятдаги роли ва унинг қонунчилик билан тартибга солиниши илмий таҳлилга муҳтож масала ҳисобланади.

Никоҳ арабча сўздан келиб чиққан бўлиб, “қўшилиш” маъносини англатади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан никоҳ эркак ва аёл ўртасида давлат томонидан тан олинган, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирувчи иттифоқдир. Ушбу иттифоқ фақат расмий тартибда, яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнггина ҳуқуқий кучга эга бўлади. Никоҳнинг асосий белгиларга қуйидагилар киради:

- Никоҳ тарафларнинг ихтиёрий розилиги билан тузилади, бу эса шахсий эркинлик ва ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди.
- Никоҳда тарафлар тенг ҳуқуқларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, улар ўзаро ҳурмат, садоқат ва масъулиятни сақлашлари шарт.
- Никоҳ давлат томонидан расмий рўйхатга олинади, бу эса ҳуқуқий жиҳатдан никоҳни ҳимоя қилади ва томонларнинг мажбуриятларини аниқ белгилайди.
- Никоҳ орқали тарафлар ўртасида мулкӣ ва шахсий ҳуқуқий муносабатлар юзага келади, фарзандлар тарбияси ва молиявий барқарорлик учун ҳуқуқий асос яратилади. Никоҳ фақат шахсий муносабат эмас, балки ижтимоӣ ва ҳуқуқий институт сифатида жамиятни барқарорлаштирувчи механизм бўлиб хизмат қилади.

Никоҳ институтининг шаклланиши инсоният тарихининг дастлабки даврларидан бошланади. Ибтидоӣ жамиятда эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар аниқ тартибга солинмаган, ижтимоӣ меъёрлар мавжуд бўлмаган. Инсонлар кичик уруғ жамоалари ёки гуруҳларда яшаганлар ва меҳнат тақсимоти орқали турмуш тарзини ташкил қилганлар. Юқори палеолит даврида матриархат тизими шаклланган бўлиб, бу даврда никоҳ ва оила муносабатларининг асосий тамойиллари – уруғ ичидаги никоҳни тақиқлаш, яъни экзогамия шаклланган. Бу тамойил жамиятнинг ижтимоӣ барқарорлигини таъминлаган ва фарзандларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда муҳим роль ўйнаган.

Қадимги манбаларда, хусусан Авесто ва бошқа тарихий матнларда оила ва никоҳ масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Қадимги Соғд ва Месопотамия цивилизацияларида никоҳ шартномалари мавжуд бўлган. Бу ҳужжатлар орқали эр-хотин ҳуқуқлари, мерос ва ажрашиш масалалари тартибга солинган. Шунингдек, қадимги Европа давлатларида никоҳни давлат ва диний органлар назорати остида амалга ошириш анъаналари шаклланган.

Марказий Осиёда никоҳ муносабатлари: Ўзбекистон ҳудудида никоҳ масалалари қадимдан жиддий эътибор билан тартибга солинган. Тарихий манбаларда VIII асрга оид Соғд никоҳ шартномалари мавжуд бўлиб, улар орқали эр ва аёлнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ажрашиш шартлари ҳамда мол-мулк масалалари белгиланган. Шартномаларда эрнинг хотинни моддий таъминлаши, ҳурмат қилиши, аёлнинг эса эрга садоқатли бўлиши ва фарзанд тарбияси билан шуғулланиши мажбурияти қайд этилган. Ажрашиш ҳолатлари ҳам аниқ белгиланган бўлиб, тарафларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинган.

Бу ҳужжатлар ўша даврда ҳам ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада эканлигини кўрсатади ва никоҳ институтининг барқарор шаклланишига хизмат қилган.

Диний қарашлар ва никоҳ: Никоҳ кўплаб динларда муқаддас тушунча сифатида қаралади. Ислон динда никоҳ эркак ва аёл ўртасида ҳалол ва шаръий аҳд бўлиб, оила қуришни рағбатлантиради. Қуръон ва ҳадислар никоҳнинг ижтимоий аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Христианликда никоҳ муқаддас сир сифатида, яҳудийликда эса диний маросим орқали мустаҳкамланади. Бу қарашлар никоҳнинг нафақат ижтимоий, балки маънавий ва ахлоқий жиҳатларини ҳам акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасида никоҳ тузиш тартиби: Амалдаги қонунчиликка кўра, никоҳ фақат ФХДЁ органларида рўйхатдан ўтказилганида ҳуқуқий кучга эга бўлади. Никоҳланувчи шахслар ариза топширдилар ва белгиланган муддатда никоҳ қайд этилади. Никоҳ жараёнида қуйидаги қоидалар амал қилади:

- Никоҳ фақат шахсий иштирок орқали тузилади, вакил орқали никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.
- Никоҳ давлат органида расмий рўйхатга олинади ва гувоҳнома берилади.
- Никоҳ рўйхатга олинганидан сўнг эр-хотин ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади.

Шунингдек, никоҳ шартномаси тузиш имконияти мавжуд бўлиб, у эр-хотин ўртасидаги мулкӣ ва шахсий муносабатларни янада тартибга солади.

Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқи: Соғлом оила шакллантиришда никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқи муҳим аҳамиятга эга. Тиббий кўрик орқали ирсӣ ва юқумли касалликларнинг олди олиш мумкин. Кўрик бепул амалга оширилади ва белгиланган муддат ичида яқунланади. Унда руҳий касалликлар, наркологиқ, жинсий касалликлар, сил ва ОИВ/ОИТС каби касалликлар текширилади. Шу тарзда никоҳни соғлом ва хавфсиз амалга ошириш кафолатланади.

Замонавий ислохотлар ва рақамлаштириш: Сўнгги йилларда никоҳ жараёнида ахборот технологиялари кенг жорий этилмоқда. Электрон ариза топшириш, маълумотлар алмашинуви ва ягона электрон базалар яратиш орқали фуқаролар учун қулайликлар яратилаётган. Баъзи давлатларда никоҳни масофадан туриб рўйхатдан ўтказиш тизими жорий этилган. Ушбу тажрибани миллий тизимга мослаштириш истиқболли йўналиш сифатида эътиборга лойиқдир.

Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тавсиялар: Никоҳга оид қонунчиликни янада ривожлантириш зарур. Масалан, тиббий кўрик жараёнини тўлиқ рақамлаштириш, маълумотларни электрон тизим орқали алмашиш, никоҳни масофадан туриб рўйхатдан ўтказиш имкониятини яратиш, ортиқча бюрократик жараёнларни қисқартириш каби чоралар амалга оширилиши лозим. Бу тавсиялар никоҳ тизимини қулай, самарали ва замонавий талаблар даражасида тартибга солиш имконини беради.

Никоҳ жамиятнинг энг муҳим ижтимоий-ҳуқуқий институти бўлиб, оила барқарорлигини таъминлайди. Уни ҳуқуқий жихатдан тўғри тартибга солиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва замонавий талабларга мослаштириш соғлом ва барқарор жамиятни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Никоҳнинг тарихий шаклланиши, диний ва ижтимоий контекстлари, замонавий рақамлаштириш ва қонунчиликни такомиллаштириш тавсиялари биргаликда жамиятда барқарор ва соғлом оила институтини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Тошкент
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ФХДЁ органлари тўғрисида”ги Низоми
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низоми
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5124-сон қарори
6. ЎзССР тарихи, I жилд. Тошкент
7. Қобуснома. Тошкент
8. Загровский И.Л. Курс семейного права. Одесса
9. Пчелентсева Л.М. Семейное право России. Москва
10. Авесто. Тарихий манба